

## Башарият ҳаётидаги хавф

☒ ОИТС муаммоси жамият, миллат равнақига жиддий путур етказувчи бўлиб, ҳозирги дунё давлатларини ташвишга солиб келмоқда. Дунёда милионлаб инсонлар хаётдан бевақт кўз юммоқда. Бу жирканч касаллик билан касалланганларнинг тузалиши жуда ҳам қийин. Талаба-ёшлар орасида бундай касалликларнинг олдини олиш мақсадида бугун “Ер ресурсларини бошқариш” факультети маъruzalар залида факультет декани Ш.Нарбаев ва факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳ.Эшова ташаббуси билан тадбир бўлиб ўтди. Ушбу касалликни ёшларга яъни ўсиб келаётган талаба ёшларимиз соғлигига таъсири юзасидан тушунча бериш учун Тошкент шаҳар СПИД маркази шифокори Н.Т.Умарова ўз маъruzаси билан талаба-ёшларга маълумотлар бериб ўтди.

У ОИТС инфекцияси профилактикаси тўғрисида ҳамда гиёхвандлик ва унинг салбий оқибатлари ҳақида далилий мисоллар келтириб, талабаларга тўлиқ тушунарли даражада видеороликлар орқали маълумотлар беришди. Тадбир сўнгидан талабалар томонидан берилган саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар. Шундан сўнг декан мувовини Ҳ.Эшова барча тадбир иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда тадбирни якунлади.

**Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Ҳ. Эшова ахбороти**

**Институтнинг матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**